

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 53-ҳадис

53 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «مَا عَابَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ، إِنْ اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ، وَإِنْ كَرِهَهُ تَكَهُّنُهُ» مُتَّفَقُ عَلَيْهِ .

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч вақт таомни айбламасдилар. Агар иштаҳалари бўлса, ундан ердилар. Кўнгиллари тортмаса, уни тарк қиласдилар".

Муттафақун алайҳ.

Фойда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган ҳолда мусулмон киши таомни айбламаслиги лозим. Чунки таомни айблаш мутакаббирлик ва ҳаддан ошишлиқ белгисидир.

Шарҳ: Расулуллоҳ с.а.внинг олийжаноб хулқларидан бири, овқат тайёрлаган кишининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласдилар, айниқса аёл киши бўлса яна ҳам эътибор қиласдилар. Агар овқат ёқса ердилар ва тайёрлаган кишига ташаккур айтардилар. Агар ёқтирмасалар овқат тайёрлаган кишини камчилигини айтиб айбламас, унга ёқмайдиган гап айтиб кўнглига тегмас эдилар. Ёқмадими, уни емасдан тарк қиласдилар. Бу каби эҳтиром ва шафқат кимда бор?!

Демак, биз мусулмонлар эркакмизми ёки аёл, каттамизми ёки кичик, Расулуллоҳнинг с.а.в. мана шу олийжаноб хулқларида эргашмоғимиз даркор.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши овқатни айбламайди.
2. Набавий одатга мувоғиқ овқат ёқса ейилади. Агар ёқмаса, тайёрлаган одамни айбламаган ҳолда овқат ейilmайди.
3. Мусулмон одам ҳар қандай ҳолат учун Аллоҳга ҳамд айтади. Овқат пайтида камбағал, очор ва муҳтоҷ кишиларни ёдига олади.

Манба: hadis.islom.uz

